



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Поётга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 29 апрель, пайшанба • 18 (3546)-сон



ҲАМКОРЛИК – ОСОЙИШТАЛИК КАФОЛАТИ

Халқимизда “бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” деган доно нақл бор. Кейинги йилларда ички ишлар идоралари билан жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораётгани боис жойларда турли хил жиноятларнинг камайишига эришиляпти. Шунингдек, оилавий жанжаллар, қўни-қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликларнинг олди олинапти. Айниқса, муқаддам судланганлар, жиноят қилишга мойил шахсларнинг қатъий назоратга олинаётгани ҳам маҳалла, қишлоқларда осойишталикнинг таъминланишига омил бўлмоқда.

Жиззах туманидаги “Кулома” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги маҳаллаларда яшовчи аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Уларни ишга, ўқишга жойлаштириш, ўсмирларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш, спорт билан шуғулланишлари учун бир қатор шароитлар яратилган. Бироқ бу билан хотиржамликка берилиб бўлмайди. Ҳар бир ёш йигит-қиз, ўсмирнинг хатти-ҳаракатидан бохабар бўлиб туриш лозим. Бунда,

албатта, профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари аниқ режалар асосида ўзаро ҳамкорликда ишлашлари керак бўлади. Кекса педагог, кўпларнинг устози Музаффар ака Маҳсумов раҳбарлик қилаётган “Кўшкўприк” маҳалласида бу борада ибратли ишлар қилиняпти. Қирқ йилдан ортиқ ўқитувчилик қилган Музаффар ака маҳалладошларини, ҳар бир оиланинг туриш-турмушини яхши билади. Шунинг учун ҳам у профи-

лактика инспектори, милиция старшинаси Бунёд Эргашевдан зарур маслаҳатларини аямайди. Энг муҳими, ўзаро ҳамкорликда ишлашнинг аҳамиятини бот-бот таъкидлайди.

Суратда: «Кўшкўприк» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Музаффар Маҳсумов профилактика инспектори, милиция старшинаси Бунёд Эргашев ва маҳалла посбони Шавкат Лапасов билан навбатдаги режалар ҳақида суҳбатлашиляпти.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Муҳаммад ЮСУФ

ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Ҳам оқ ювиб-тарагансан ўзинг бизни,
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.
Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Қалқонинг бор ким қасд қилса гар эгонингга,
Алпомишининг руҳи ёр ҳар ўғлонингга.
Асрагаймиз гиёҳинг ҳам гулдай ўпиб:
Ёвлар яқин йўлолмагай қўрғонингга.
Адойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Тузинг татиб, унутганлар хор бўлади,
Кўзларига икки дунё тор бўлади.
Шодон дамнинг кўролмаган юртфурушлар,
Бир кун бир кафт қумлоғинга зор бўлади.
Ёнингда тургаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Гул кўрингай даштингдаги гиёҳ-хасдир,
Соддадил-у улугворлик сенга хосдир.
Севамизки, чўлларинг ҳам бизга жаннат,
Тупроғинг ҳам Макка мисол муқаддасдир.
Онадек кўргаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Эркин бўлмоқ истагидаги
ҳар қандай одам қонуннинг
қули бўлмоғи лозим.

ЦИЦЕРОН.

УШИНЧИ «Поётга»

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYVATOMUZ VOQEALARI, SALOMATLIK SABOQLARI
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV O'LAM

УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



3

ЎЙИН АВЖИДА ЭДИ...

«... Кундузи соат ўнларда Нукус шахридаги А. Досназаров номли кўчадаги хонадонлардан бирида яшовчилар телевизор томоша қилиб ўтиришар, юқори қаватдаги хонадан эса мусиқа овози эшитилиб турарди. Кутилмаганда тепада нимадир гурсиллаб, кулади...»

4

МОЛ-ДУНЁ ВАСВАСАСИ



13

ҚУШ БЎЛИБ УЧГАН КУНИМ...



15

РАШК ПАНД БЕРДИ

16

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа материаллар билан танишасиз.

САРҲИСОБ

Республика ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармасида пенитенциар тизимнинг 2004 йил I чорак иш фаолияти натижаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Т. Муллажанов,

Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров, ЖИЭББ бошлигининг ўринбосарлари, Қоровул қўшинлари Штаб бошлигининг ўринбосари, полковник А. Рауясов, вилоятлар ИИБ жазони ижро этиш бўлимларининг бошлиқлари иштирок этдилар.

ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Йиғилишда Бош бошқарма бошлигининг ўринбосарлари ўз хизмат йўналишлари бўйича амалга оширилган ишлари ҳақида ҳисобот бердилар. Қатнашчилар "Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қандай амалга оширилганлиги ҳақидаги ҳисоботни тингладилар.

Бундан ташқари тезкор-тартибот, молия-ҳўжалик, тарбиявий ишларни бугунги кун талабларида ташкиллаштириш, маҳқум ва маҳбусларнинг яшаш ва меҳнат қилиш шарт-шароитларини яхшилаш йўли-



да муттасил изланишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди. Шу билан биргаликда тарбиявий ишларни янада жадаллаштириш кераклиги кўрсатилди.

Йиғилишда махсус контингентни сил касаллиги ва ОИТС касалликларини олдини олиш ва даволаш учун зарур бўлган дори-дармонлар

билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир якунида жазони ижро этиш муассасалари олдида жорий йилнинг II чорагида турган вазифалар белгилаб олинди.

Абдусамод ШОМАНСУРОВ,
ички хизмат капитани.

Сурат муаллифи
Бобиржон ЭШМАТОВ.

Огоҳлик — давр талаби

ОСОЙИШТАЛИК — ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Маълумки, Самарқанд вилояти қўшни Тожикистон билан чегарадош. Булунгур тумани ҳам чегара ҳудудида жойлашган. Пойтахтимизда, Тошкент ва Бухоро вилоятларида март ойининг охирида юз берган воқеалар муносабати билан туманда тинчлик-осойишталикни таъминлаш борасида қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Маъмурий ҳудудимизда 42 та маҳалла мавжуд, — дейди туман ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори Тўлқин Муродов. — Уларда жами 130 минг аҳоли истиқомат қилади. Ҳозир жамоатчилик, оқсоқоллар, посбонлар, педагог-тарбиячилар билан бирга фуқароларнинг уйлари инвентаризация қилиш бўйича иш олиб бораёмиз. Уйда турмаётганларнинг қаерда, нима иш билан машғуллигини аниқлаёмиз.

Т. Муродов билан суҳбатлашиб бўлиб, "Килдон" кўрғон милиция бўлими бошлиги, милиция майори Улугбек Қодиров ҳамроҳлигида "Хўжабачча" маҳалласига йўл олдик. У ерда маҳалла посбони Даврон Окбўтаевни суҳбатга тортдик.

— Профилактика инспектори, милиция лейтенанти Қ. Фафоров бошчилигида ишляёмиз, — дейди Даврон ака. — Кундузи экин майдонларининг пайҳон қилинишига қарши чоралар кўраёмиз. Тунда эса навбатчилик ташкил этганмиз. Маҳалламиз оқсоқоли А. Шералиев шахсан ўзлари ёшлар билан суҳбатлашадилар, турли экстремистик оқимларга

қўшилиб қолишнинг фожиали оқибатларини тушунтирадилар. Ҳозир у киши ёшларимизни армия сафига жўнатгани туман марказига кетган эдилар.

Шундан сўнг "Килдон" маҳалласига йўл олдик. Маҳалла идорасида иш қизғин, одам гавжум эди. Оқсоқол У. Ибодуллаевнинг айтишича, ҳозир шу маҳаллалик 14 киши Россияда ишлаётган, улардан қариндошларига хат-хабар келиб турар экан.

Профилактика катта инспектори, милиция капитани Ўткир Қодирқулов Улугбек Қодировга қисқача ҳисобот берди:

— Вазият осойишта. Ҳар эрта-лаб ва кечқурун посбонлар билан йиғилишиб, кейинги ишларимизни режалаштираёмиз. Тунги патруллар фаолият кўрсатяпти. Мақтаблар ва болалар боғчасида тартиб сақловчи шахслар тайинланган. Улар бегоналари муассасасига кўйишмайди, қайд дафтари юритишади. Қишлоғимизга кириб-чиқадиган машиналарни ҳам қайд этиб борамиз.

Шундан сўнг чегарага яқин жойлашган "Хўжамазгил" маҳалла-

сига келдик. Бу ерда 795 хўжалик истиқомат қиларкан. Маҳалла аҳли хўшёрлик, огоҳлик бугуннинг талаби эканлигини яхши анлар экан. Йўл-йўлакай кутубхонага кирдик. Бу ерда педагог-тарбиячи Б. Раппорова ва кутубхона мудири М. Юсупова қанақадир рўйхат устида ишлаб ўтиришарди.

— Ҳорманглар! — уларга мурожаат қилдик.

— Саломат бўлинглар!
— Қандай, маҳалла-қўйда тинчлик-хотиржамликми? — сўради У. Қодиров.

— Худога шукур. Ўзимиз ҳам уйма-уй юриб маҳалладошларимизни огоҳликка чақиряпмиз. Посбонлар сардори Камол Боймуродов ҳам 16 нафар посбони билан эл осойишталиги йўлида хизмат қилишяпти. Улар паспорт тартибини текширишади, тунда патруллик қилишади.

Маҳалла аҳли билан яна бир оз суҳбатлашиб "Килдон" кўрғон милиция таянч пунктига йўл олдик. Йўл бўйи У. Қодиров куйидагиларни гапириб берди:

— Худудимизда бешта йирик хўжалик жойлашган. Март ойининг охири кунларида бўлиб ўтган воқеалардан кейин чегарадан ноқонуний ўтган 10 кишининг шахсини аниқлаб, республикамиздан чиқариб юбордик. Айни пайтда пайҳонга қарши ҳам ишлар олиб бораёмиз. Оилавий келишмовчиликларни судгача бормасдан ҳал қилишга интиляпмиз.

Ҳа, рейдимиз охирида ички ишлар идоралари ходимлари вилоятда, туманда тинчлик-осойишталикни таъминлаш борасида жон куйдириб ишлаётганларига амин бўлдик.

Дилбар САЛОҲИДИНОВА.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

КЎНГИЛЛАРНИ ШОД ЭТИБ

Болалар уйи, меҳрибонлик уйи. Бу сўзларни қанча бўяб-бежамайлик, барибир у дилимиздан бир гашликни етаклаб ўтади. Тақдирнинг айбисиз айбдорлари нигоҳига бардош бериш қийин. Наманган шаҳридаги 49-махсус мактаб-интернатга йўл олар чоғи, дилимни ана шундай ўйлар қамраб олганди.

Бу ерда асосан ақли заиф, ногирон болалар тарбияланадилар. Уларнинг яшашлари, ўқиб билим олишлари учун яратилаётган шароитлардан қатъи назар, бошқалардан кўра кўпроқ меҳрга, эътиборга муҳтож. Вилоят ИИБ томонидан ажратилган совғаларни мактаб-интернатга топшириш учун элтар эканмиз, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Халқимиз азалдан бағрикенг, саховатли. Жорий йилни юртбошимиз томонидан "Меҳр ва мурувват йили" деб аталиши, халқимизнинг азалий қадриятларига урғу берибгина қолмай, барчани меҳр-мурувватли бўлишга чақирди. Вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳам бу эзгу анъанадан четда қолмади.

— Маъмурият билан суҳбатлашганимизда, улар мактабда кўшимча адабиётлар етишмаслиги, спорт анжомлари камлигини билдиришди, — дейди вилоят ИИБ тергов бошқармаси бошлиги ўринбосари, милиция подполковниги Акмалжон Ҳожиев. — Шундан



кейин, биз раҳбарият билан келишиб, мактабга ўқув қуроллари, спорт анжомлари, китоблар совға қилдик.

— Уларни бугунгидек қувонганларини ҳеч қачон кўрмаганман, — дейди мактаб директори ўринбосари Муҳаммаджон Болтабоев. — Тақдир бир томондан қисган болалар ота-она меҳридан ҳам бенаиб, баъзи тарбияланувчиларимизни яқинлари шанба-якшанба кунлари уйларига олиб кетишади. Қолганлари йил ўн икки ой шу ерда. Бир оғиз шириң сўз билан уларнинг кўнгли тоғдай кўтарилиши мумкин.

Шу кун мактабда ташкил этилган шўх куй-қўшиқлардан болалар яйраб дам олишди.

Суратда: вилоят ИИБ тергов бошқармаси бошлиги ўринбосари, милиция подполковниги А. Ҳожиев тарбияланувчиларга ажратилган совғаларни топширмоқда.

Дилбар ТУРҒУНОВА.

ОҚИБАТ — ТИНЧ ҲАЁТ ОМИЛИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган барча ички ишлар идоралари ходимлари қатори Тошкент шаҳар Метрополитенни муҳофаза қилиш бўйича ИИБ шахсий таркиби ҳам метро бекатларида жамоат тартибини ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Соҳа ходимларининг амалга ошираётган ишлари, шунингдек, "Меҳр ва мурувват йили" муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар ҳақида Метрополитен ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Аҳмаджонов шундай дейди:

— Бўлимимизда ўз касбига меҳр қўйган билимдон, интилувчан ходимлар хизмат қилишади. Улар метрополитен бекатларидан ташқари туманлар ИИБ ходимлари билан биргаликда "Тозалаш", "Тун", "Қорадори", "Арсенал" каби тадбирларда ҳам фаол қатнашиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга ҳисса қўшмоқдалар.

Метрополитен ИИБга меҳнати сингган олтимшига яқин фахрийларимиз, хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларимизнинг оила аъзолари ҳам ҳамisha эътиборимизда. Байрамлар, тантанали тадбирларда улар бизнинг азиз меҳмонимиз бўлишади. Фахрийларимиздан уруш ва меҳнат ветерани Н. Воҳидовнинг саксон ёшга тўлиши муносабати билан тадбир ўтказдик.

Хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларимиз А. Исаев, К. Атакаев, Н. Сайборов, Б. Дўстжоновларнинг оилаларига ва айрим фахрийларимизга моддий ёрдам берилди. Шунингдек, улар учун байрам дастурхонлари ёзилди.


Донишмандлар "совға эмас, эътибор қадрлидир" деган гапни бекорга айтишмаган. Ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан руҳланган фахрийлар ҳам ходимларни тарбиялаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш каби ишларда фаол ёрдам бермоқдалар.

— Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар Кенгашининг "Кексалик-бекорчилик эмас!" деган шиори бизга ҳам тааллуқлидир, — дейди Метрополитен ИИБ фахрийларининг етакчиси, истеъфодаги милиция подполковниги С. Ҳайдаров. — Шу сабабли ўтказилаётган тадбирларнинг самарали бўлиши учун ҳисса қўшишга интилоқдамиз. Ёшларга ўз иш тажрибаларимизни ўргатиш мақсадида "Устоз ва шогирд" мураббийлик тизимини йўлга қўйганмиз. Ёшларнинг иш, оилавий шароити билан танишиб, йўл-йўриқлар бериш, беморлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби бир қарашда оддий, аслида эса замирида инсонда меҳр, мурувват туйғуларини уйғотувчи ишларга бош-қош бўлмоқдамиз. Сабаби, бугун биз ёшларга эътиборли бўлсак, эртага улар ўзларидан кейинги авлодга оқибатли бўлади. Оқибат эса осойишта, хотиржам, тинч ҳаётнинг омилидир.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Иордания махсус хизматлари дахшатли террорчилик ҳаракатининг олдини олишди. Террорчилар "Ал-Қоида" ташкилотининг маҳаллий шохобчаси аъзолари деб тахмин қилинмоқда. Улар режаларини амалга оширганларида 80 минг киши кўпурчилик қурбони бўларди.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



Сешанба куни кечкурун Сурия пойтахтининг гарбий қисмида йирик террорчилик ҳаракати юз берди. Маҳаллий вақт билан соат 19.00 ларга яқин Дамашқда кетма-кет бир неча портлаш қайд этилди.

ТЕРРОРЧИЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Тергов ҳаракатлари "Ал-Қоида"нинг Иорданиядаги етакчиси Азми Жаюси бир неча сафдошлари билан ҳибсга олинган бошлангич кетди. У сўроқ чоғида ироқлик ҳаммаслаги Абу-Мусоб аз-Зарқавий билан Иордания қироллиги пойтахти Уммон-

тишмоқчи бўлишган. 2001 йил 11 сентябрь фожиасидан ҳам ўтиб тушувчи террорчилик ҳаракатини содир этиш учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган эди. Тергов ҳаракатлари яқунлари, жумладан террорчиларнинг оғзаки кўрсатмалари ҳақидаги репортаж Иордания телевидениеси орқали намойиш этилди.



Режалаштирилган кўпурчиликнинг буюртмачиси Абу-Мусоб аз-Зарқавийни Усома бин Лоденнинг яқин сафдошларидан бири дейишади. У қатор мамлакатлар томонидан қидирилмоқда. Ироқда аз-Зарқавийни иттифоқчи кучлар қўшинларига ҳужумлар уюштирилганлиги ва шиалар

даги стратегик муҳим иншоотлар – Бош вазир қароргоҳи, хавфсизлик хизмати биноси ва АҚШ Элчихонасини портлатиб юбориш бўйича режа тузишганини тан олди. Террорчилик ҳаракатини аз-Зарқавий молиявий таъминлаган.

Тинтув ҳаракатлари Жаюсининг сўзларини тасдиқлади: махсус хизматлар ходимлари 20 тонна портловчи ва заҳарли моддалар топишди. Кучли портлашдан сўнг жиноятчилар заҳарли газ ишла-

мачитида террорчилик ҳаракатлари содир этганликда айбланишди. Испаниядаги темир йўлда юз берган портлашларни ҳам унинг номи билан боғлашяпти. Агар бу тахминлар тўғри бўлса, аз-Зарқавий бир неча минг кишининг ҳаётига зомин бўлган. Террорчининг қаердалиги ҳозиргача номаълум. Бу ҳақда ишончли маълумот тақдим этганларга америкаликлар 10 миллион АҚШ доллари миқдорига мукофот ваъда қилишган.

Ҳиндистоннинг Жамма ва Кашмир штатида террорчилик ҳаракати содир этилди. Хабар беришларича, жиноятчилар Пулвама округидаги Дрангбал шаҳри майдонида граната портлатишган. Портлаш оқибаотида камиди 14 киши яраланди. Улардан уч нафари оғир аҳволда. Террорчилар яширишига муваффақ бўлишган.

Таиландда полиция кучлари билан тўқнашув чоғида камиди 70 нафар жангари ўлдирилди. Хабар қилинишича, аввал жангарилар полиция участкалари ва назорат пунктларига ҳужум қилишди. Тахминларга кўра, ҳужум айирмачи диний оқим вакиллари томонидан уюштирилган.

Сешанба куни кечки пайт соат тахминан 22.15 ларда Ироқнинг Ас-Самава шаҳрининг Япония ҳарбийлари жойлашган жануби-шарқий қисмида бир неча кучли портлаш қайд этилди. Шаҳарнинг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш кучлари вакилининг сўзларига қараганда япон ҳарбийларидан ҳеч ким зарарланмаган.

ДИПЛОМАТЛАР МАВЗЕСИДАГИ ПОРТЛАШЛАР

Портловчи мосламалар ўрнатилган машиналар портлатиб юборилган, деб тахмин қилинмоқда. Воқеа хорижий давлатлар элчихоналари яқинида рўй берди.

га қараганда, вазият назорат остига олинган.

Дамашқ касалхоналарига беш нафар ярадор ётқизилди. Ҳозирча тўрт киши ҳалок бўлгани аниқ. Улардан икки нафа-

Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, портлаш Эрон ва Буюк Британия элчилари қароргоҳи яқинида содир этилган. Элчихона биносига зарар етмаган, дипломатлар шикастланмаган.



"Ал Жазира" теледастурининг хабарига кўра, портлашдан сўнг БМТ ваколатхонасида ёнғин келиб чиққан. Кейинроқ БМТ Матбуот котибининг ўринбосари Мари Окабэ ҳақиқатан ҳам бир неча снаряд бинога текканини тасдиқлаб, ходимлардан ҳеч ким жабр кўрмаганини таъкидлади.

ри террорчи, бири полициячи ва яна бири йўловчи аёл.

Агентликларнинг ахборотларига қараганда, қуролланган тўрт нафар террорчи машинада Канада элчихонаси яқинида келиб, йўловчиларга қаратиб ўт очишган. Сўнг Буюк Британия ва Канада элчихоналари ёнида портлаш юз берган. Ҳокимият вакиллари фикрича, бунга гранатомётдан отилган граната сабаб бўлган. Тирик қолган икки нафар террорчи қўлга олинди. Улардан бири яраланган.

Портлашлардан сўнг мазкур туманда отишма бошланган. Ҳокимият вакиллари айтишича, уларга қарши номаълум жангарилар иш кўрган. Полиция ходимлари бир неча жангарини йўқ қилди, қолганлари қўлга олинди. Тўқнашувлар юз берган ҳудуд ўраб олинган. Ҳавфсизлик хизмати ходимларининг гапи-

ДИНИЙ МОЖАРО ОҚИБАТИ

Номаълум кишилар Индонезиянинг Амбона шаҳрида яна портлашлар ва отишмалар содир этишди. Антара миллий ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, мерганлар икки полициячини ўлдириб, яна икки нафарини яралашган. Маҳаллий шифохонага ўқотар қуроллардан жароҳатланган саккиз киши ётқизилди.

Амбонада диний можаролар тўрт кундан буён давом этапти. Тартибсизликлар яқинда куни асосан насронийлардан иборат Молукк суверенитети fronti айрмачилик ташкилоти вакиллари билан намойиши чоғида бошланди. Сўнгги маълумотларга қараганда галаёнлар оқибаотида ўлганлар сони 30 нафарга етди, 150 дан зиёд киши яраланган. Шаҳар кўчаларида зирҳли машиналар патруллик қияпти. Қўшимча бошқа ҳудудлардан 400 нафар полициячи ва сараланган "Дипонегоро" дивизиясининг икки батальони ҳам тартибни сақлашга жалб этилган.

ФАЛОКАТ ЮЗ БЕРМАДИ

Москвадаги Шереметьево аэропортида Украинанинг "Аэросвит" авиакомпаниясига қарашли "Боинг – 737" самолёти учиш йўлакчасидан четга чиқиб кетди. Йўловчилар ва экипаж аъзоларидан ҳеч ким жабрлангани йўқ. Барча йўловчилар самолёт бортидан терминалга ўтказилди. Уларга яқинлари билан боғланиш имконияти яратилди.



«ТЕРМИНАТОРНИНГ КЎЗЛАРИ»

Америкалик муҳандислар машҳур фантастик фильм қаҳрамони Терминаторнинг кўзларини эслатувчи асбоб ихтиро этишди. «Microvasion» компанияси ишлаб чиққан лазер технологияси ҳар қандай манзарани кўзнинг тўр пардасига узатади. Натижада киши бир вақтнинг ўзида одатдаги оламни ва яна бир керакли тасвирни кўриши мумкин.

Бу кашфиёт кўпгина касб эгаларига жуда кўл келади. Масалан, жарроҳ операция қилишдан чалғимасдан анатомия бўйича атласни кўздан кечириши ёки беморнинг юрак уриши ва қон босимини текшириши мумкин.

Бунинг учун кўзга монокль ўрнатилади. Унга компьютердан ахборот узатилади. Монокль сигналларни ёруғлик импульсларига айлантириб кўзнинг тўр пардасига еткази.

ТИРИКЛАЙИН ҚАЙНАТГАН

Афғонистон ҳукумати вакиллари толиблар ҳукмронлигига барҳам берилгач, мамлакатда илк маротаба қонунга мувофиқ ўлим жазоси ижро этилганини тасдиқлашди. Собиқ мужоҳидлар дала қўмондони, камиди 20 кишининг ўлимида айбланган Абдулла Шоҳ шу жазога лойиқ топилди. Мамлакат Президенти матбуот котибининг сўзларига қараганда Ҳамид Карзай олий жазони ижро этиш ҳақидаги биринчи фармонини "истамайроқ, аммо одил судлов манфаатларидан келиб чиқиб" имзолаган.

Абдулла Шоҳ мазкур жиноятларда бундан икки йил олдин айбдор деб топилган эди. Айтишларича, у хотинини тириклайин сувда қайнатиб ўлдирган.

ВАҲШИЙЛИК

АҚШнинг Жоржия штатидаги Кэрролтон шаҳрилик 8 ёшли қиз бўғиб ўлдирилди. Унинг мурдаси дарахтзордан топилган. Қотилликда 12 ёшли бола гумонланяпти. Улар бир-бирлари билан таниш бўлишган. Гумонланувчи Паулдинг округининг вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун мўлжалланган марказига жойлаштирилди.

Қизча душанба куни соат 17.30 ларда ўртоғиникига велосипедда меҳмонга бориш учун йўлга чиққан. Қайтиб уни ҳеч ким кўрмаган. Кейинроқ фақат велосипеди топилди. Қизнинг ота-онаси соат 22.15 да полицияга мурожаат қилган. Ярим кечаси уй яқинидаги дарахтзордан қизнинг мурдаси топилди.

Эҳтиром

ХИЗМАТИНГИЗ РОҲАТИНИ КЎРИНГ!

Қарияларимиз дуога қўл очганда: “Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг”, — дея тилак билдиришади. Бу ниятнинг бежиз эмаслигига Фарғона вилояти ИИБ ёнги хавфсизлиги бошқармасида кўп йиллар хизмат қилиб нафақага чиқётган ходимларни кузатиш маросимида яна бир бор амин бўлдик.



Суратда: вилоят ИИБ ЕХБ бошлиғи ўринбосари, ички хизмат подполковниги Х. Бўтабоев Б. Жўрабоевни ҳурмат билан нафақага кузатмоқда.

Муаллиф олган сурат.

Тадбирда бошқарма бошлиғи, ички хизмат полковниги Муродил Жўрабоев пенсияга кузатилаётган ёнги техник лабораторияси бошлиғи, ички хизмат подполковниги Аҳмаджон Маҳмудов, бўлим бошлиғи, ички хизмат подполковниги Баҳодиржон Жўрабоев ҳамда ёнги ўчириш штаби гуруҳ раҳбари ёрдамчиси, ички хизмат капитани Баҳромжон Мелибоевларнинг фаолиятлари тўғрисида илиқ фикрлар билдириб, уларнинг тажрибалари ҳали кўплаб ёш мутахассисларни етиштиришда қўл келиши, шахсий таркиб бундан кейин ҳам улар билан ҳамкорлик қилишини таъкидлади. Шундан сўнг бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари, ички хизмат подполковниклари Ч. Менгзияев ва Х. Бўтабоевлар ҳам ўзларининг эзгу тилаklarини билдиришди.

Соҳанинг захматкаш ходимлари Б. Жўрабоев, А. Маҳмудов, Б. Мелибоевлар кўрсатилаётган эҳтиром учун бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркибига ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Бир сўз билан айтганда, нафақа гаштини суришга чоғланган ходимлар ўз хизматларининг самарасини, роҳатини кўришни бошладилар. Зеро, уларга кўрсатилаётган эътибор фидойилик, инсон меҳнати доимо қадрланишининг ёрқин намунаси.

Адолот АБДИЕВА,
ички хизмат катта лейтенанти.

Кўшнинг тинч — сен тинч

Дунё миқёсида юз бераётган воқеа-ҳодисалардан келиб чиқиб, ҳамюртларимиз ҳаммиша хушёрлик, огоҳликка чақирилаётган бўлса-да, бунга эътиборсизлик билан қараш ҳолатлари учраб турибди.

... Кундузи соат ўнларда Нукус шаҳридаги А. Досназаров номли кўчадаги хонадонлардан бирида яшовчилар телевизор томоша қилиб ўтиришар, юқори қаватдаги хонадан эса мусиқа овози эшитилиб турарди. Кутилмаганда тепада нимадир гурсиллаб, кулади. Мусиқа овози ўчди. Тапир-тапир қилиб кимлардир олишаётганга ўхшаш овоз

кампирага айтишга истиҳоло қилди. Йигирма бир ёшли соғлом йигит эса бели оғримай топаётган пуллардан руҳланиб, каттарок “ўлжа”нинг пайига тушди. У қора ният билан ўзига нон-туз берган хонадон эшигини оҳиста тақиллатди. Бу пайтда уйда катталар бўлмаслигини у яхши биларди.

— Ким? — ичкаридан қизнинг овози эшитилди.

ЎЙИН АВЖИДА ЭДИ...

эшитилди. Пастки хонадондагилар бунга эътибор беришмади. Чунки телевизорда қизиқ фильм бўлаётганди...

Йўлак олдидаги ўриндиқларда нарда ўйнаб ўтирган бошқа кўшчилар ҳам юқори қаватга чиқиб, ярим соатлардан кейин шошиб тушган ва “фалончини кўрмадингизларми, оладиган пулим бор эди” деб сўраган йигитга бепарвогина қараб, ўйинни давом эттиришди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бояги йигит велосипедда келиб, шу атрофда олазарак айланиб юрганида ҳам унга аҳамият беришмади. Чунки ўйин авжида эди... Лекин кўп ўтмай телевизор кўраётганлар ҳам, нарда ўйнаётганлар ҳам севимли машғулотларидан воз кечишга мажбур бўлишди. Сабаби, бояги нотиш йигит кириб-чиққан юқори қаватдаги уй деразасидан бурқисиб тутун кўтарила бошлади. Ўт ўчирувчиларнинг тезкор ҳаракатлари туфайлигина ёнги кўшни хонадонларга ўтмасдан бартараф этилди. Уй ичидан ваҳшийларча қийнаб ўлдирилган ўн тўрт ёшли М. Сайёранинг қисман куйган жасади топилди.

Хўш, ушбу жиноят нега содир бўлди? Қизнинг отаси Анвар ака таниши Қадирбай оға кампири билан пенсия ҳисобига яшаётганини, уларнинг турмуши ночорлигини кўриб ишсиз юрган ўғли Азаматга хўжалик юмушларини буюриб, эвазига пул бериб турарди. Ўзининг гаражи бўлмаганлиги сабабли машинасини Қадирбай оғанинг гаражига қўярди.

У машинасидан аудиокассета, эҳтиёт қисмлар, ҳатто баллон йўқолганда Азаматдан шубҳаланган бўлса-да, чол-

— Мен, эшикни оч. Отанг буюрган ишлар бор эди, — деди Азамат.

Сайёра хизматкор йигитдан хавфсирамай эшикни очди. Йигит ичкарига кириб, эшикни кулфлади-да, қизга чанг солди. У қаршилиқ кўрсатди. Олишув пайтида телевизор устидаги магнитофон кулаб, мусиқа овози ўчди. Йигит чўнтагида олиб келган чилвир билан қизни бўға бошлади. Қиз хушидан кетиб йиқилди. Йигит ошхонага ўтиб, катта пичоқни олиб келди-да, қизнинг чап кўкрагига зарб билан урди...

Қотил қўлларини ювди-да, уйни тинтиб, йигирма минг сўм пул, олти дона аудиокассета ва қарийб 650 минг сўмлик турли хил тилла тақинчокларни олиб, уйдан чиқди. Жиноят изини йўқотиш мақсадида бир оздан кейин бензин олиб келиб, уйга сепди ва ёқиб юборди. Шунда ҳам ҳеч гап бўлмагандай кўшчилар ёнидан бемалол ўтиб кетди.

Қорақалпоғистон Республикаси жинойий ишлар бўйича Олий суди томонидан Азамат Утеев олий жазога ҳукм этилди.

Қотил қилмишига яраша жазо олди. Бироқ кўнгилда бир армон қолди: маҳалла аҳли, кўшчилар уй атрофида бўлаётган ҳодисаларга эътиборлироқ, бир-бирларига оқибатлироқ бўлишганда бу қабиҳ жиноятнинг олди олинishi, ўн гулидан бир гули очилмаган Сайёра орамизда яшаши мумкин эди. Фафлатда қолдик, деб ўзимизни юпатмоқчи бўламиз. Виждон азоби эса ана шундай хатоларимиз учун бизни ҳар сония таъқиб қилаверади. Шунинг учун ҳаётда хушёр бўлайлик, азизлар!

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

Хизматларда

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ — ЛОҚАЙДЛИК

Қарши темир йўл бекати тармоқ ИИБда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишда бой тажриба тўпланган. Ходимларнинг бурчга садоқати, касб маҳорати эса жиноятларнинг тезкор очилишини таъминляпти.

Темир йўл бекати тармоқ ИИБ ЖК ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, милиция майори Отабек Хидиров бу ҳақда шундай деди:

— Бу ерда кўп йиллардан буён ишлайман. Баъзан кўнгилсизликларга дуч келамиз. Кимдир сумкасидаги бошқа биров чўнтагидаги буюмидан айрилиб, фиғони кўкка чиқади. Ана шундай қонунбузарликларга қарши курашиш, рўй берган жиноятларни фош этишда кенг жамоатчиликка таянамиз. Бошқа хизматларнинг ёрдами ҳам катта бўляпти. Масалан, 279-Тошкент—Термиз йўловчи поезди тўхтаб турганда бир аёлнинг сумкасини ўғирлаб кетишади. Унинг ичида катта миқдорда пул ва қимматбаҳо тақинчоклар бўлган.

Воқеа юзасидан поезддаги йўловчилар, юклар кўздан кечирилди. Темир йўл бекатида тушган фуқаролардан сўраб-суриштиришлар натижа бермади.

Жамоамиз изчил қидирув ишларини олиб борди. Қар-

ши шаҳрида тилла буюмлар, олди-сотдиси билан шуғулланувчилар ва уларнинг мижозларини атрофлича ўргандик. Натижада Қарши шаҳрида яшовчи уч ўсмир ушбу жиноятга қўл ургани маълум бўлди.

Афсуски, ўғирланган бойликларни ўғри болалардан бирининг онаси тақсимлаган. У ўғли ва унинг шерикларини йўлдан қайтариш ўрнига, молларнинг кўп қисмини ўзларига қолдирган. Оила бошлиғи ўқитувчи эканлиги кишини янада таажжублантиради.

“Қорадори” тадбири пайтида, Қарши шаҳрида яшовчи бир фуқаро хонадонда 20 туп кўкнор ўстираётганини аниқладик. Унинг уйи кўздан кечирилганда 2,5 килограмм марихуана топилди.

Қамаши Темир йўл бекатидан ўтувчи юк поездидан

Б. Хусан, Э. Тимур, А. Дилшод 2420 килограмм чигитни ўғирлаб, тушириб қолдирилганини аниқлаб, қўлга олдик.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масаланнинг бошқа томони, содир этилаётган ана шундай жиноятларга ўзимиз ва атрофдагиларнинг лоқайдлиги сабаб бўлаётгандир. Термизлик онахон сумкасини қаровсиз қолдирмаганда, она ўғри ўғлини рағбатлантирмаганда, оиладагилар, кўни-кўшчилар гиёҳфурушининг кирдикорларини яширмаганларида ушбу жиноятлар содир этилмаган бўларди.

Хуқуқбузарликларга қарши кураш, аҳоли фаоллигини ошириш, бу борада жамоатчилик фикрини шакллантиришда ходимларимиздан — Китоб темир йўл бекати милиция таянч пункти профилактика инспектори, милиция майори И. Эргашев, ППХ милиционери, милиция катта сержанти И. Файзуллаев, ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакиллари, милиция катта лейтенанти М. Хўжақулов, Х. Пардаев, Э. Ўроқов ва бошқаларнинг хизмати катта бўлмоқда.

С. ОМОНТУРДИЕВ
ёзиб олди.

ҚИДИРИЛМОҚДА



Самарқанд вилояти ИИБ томонидан 1974 йилда туғилган **Алижон Асламович РУСТАМОВ** жиноят содир этиб, терговдан қочиб юргани учун қидирилмоқда. Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Р. Саидназаров номли ширкат хўжалигининг Шопўлот қишлоғида яшаган.



Қарши шаҳар ИИБ томонидан куйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юргани учун қидирилмоқда.

Мансур Шоназарович ХИДИРОВ. 1979 йилда туғилган. Қарши тумани Узунново қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, юзи чўзиқроқ, сочи қора, қалин, қоши қора, ёйсимон, кўзи қора. Соқол қўйган бўлиши мумкин.



Шермирза МАМАТОВ. 1955 йилда туғилган. Қарши шаҳар 3-кичик тумани 52-уй, 8-хонадонда яшаган.


Белгилари: бўйи 170-175 см, тўладан келган, юзи чўзиқроқ, бошининг олд қисмида сочи сийрак, қоши қора, қалин, кўзи қора, бурни каттарок, мўйлов қўйган.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

BOLALAR SAHIFASI

DONO BOBO O'GITLARI

Bolalarim, hech qachon ziyoni tegmagan jonivorga ozor bermang. Ayniqsa, kuchsiz, beozor jonivorni bezovta qilish yaramas odat ekanligini unutmang. Ona tabiatga mehrlil bo'lish Vatanga mehrlil bo'lish demakdir. Shunday ekan, yaxshi inson bo'laman desangiz, sizdan chumoli ham ozor ko'rmasin.



Kunlardan bir kun...

XALOSKOR MA'RUFJON

Ma'rufjon maktabdan qaytayotib, tog'asinikiga kirib o'tmoqchi bo'ldi. Yo'lni yaqin qilib katta ariq tomondan yurdi. Mavjlanayotgan suvni tomosha qilib borarkan, suv yuzida qalqib kelayotgan qizchaga ko'zi tushdi. Garchi ariq chuqur bo'lmasa-da, yosh qizcha o'zini tutolmay suvda xapriqib kelardi. Ma'rufjon o'ylab o'tirmay, sumkasini tashlab ariqqa tushdi va qizaloqni olib chiqdi. Qizcha ko'zini yumgancha entikib-entikib nafas olardi. Bola nima qilarini bilmay turgandi, bir ayol kelib qoldi. Qizaloqning ahvolini ko'rib, tezda

yordam berdi. Avval qizchani og'zini yerga qaratib ichidagi suvni tushirdilar, keyin ayol uning koylakchasini yechib, ro'moli bilan badanini artdi va kamzuliga o'radi.

Qizchasini qidirib kelgan onasi voqeani ko'rib ayolga rahmat aytgandi u kulib:

– Qizingizning xaloskori mana bu bola, – dedi.

Ma'rufjon tog'asinikiga kirib borganda undan kiyimlari nima uchun ho'lligini so'rashdi

– Suvga tushib ketdim, – deb qo'ya qoldi.

XANDALAR

Do'kondan ko'p narsalarni xarid qilgan Dilshodning onasi dedi:


– O'g'lim, menga narsalarni ko'tarishda yordam bermaysanmi?
– Albatta yordam beraman, oyijon, – dedi Dilshod. – Hamma sotib olgan narsalarimizni men ko'tarib olaman, Siz esa meni.



Ona ishdan kelganda bolalarining shkafidagi chinni buyumni sindirib qo'yganlarini ko'rib:

– Buyumni kim sindirdi? – deb so'radi.

Hech qaysi bola aybini tan olmadi. Faqat kichkina Zebo sekingina kelib oyisiga kim sindirganini aytdi.



Akalari nima uchun chaqimchilik qilganini so'rganlarida:

– Men baribir muzqaymoq emaymanda, – dedi.

MATEMATIK JUMBOQ

Cho'pon bobo yaylovda yilqilarini boqardi. Toy minib nevarasi kelib qoldi. U uyurga qarab:

– Bobo, yilqilaringiz yuztami? – deb so'radi.

Cho'pon bobo kulib:

– Yo'q bo'tam, uyurdagi yilqilar qancha b'lsa yana shuncha qo'shasan. Keyin shu yilqilarning yarmini va yana yarmining yarmini qo'shasan, unga o'zingning toyingni qo'shsang yuzta bo'ladi, – dedi.

Qadrlil bolalar uyurda nechta yilqi bo'lgan?

O'TGAN SONDA BERILGAN MATEMATIK JUMBOQNING JAVOBI

Avtomobillar bir joyda uchrashganda har ikkalasi Termizga yaqinroq bo'ladi.

O'TGAN SONDA BERILGAN SKANVORDNING JAVOBLARI

Guliston. Talab. Nasl. Chama. Oliy. Asal. Choy. Umid. Ojiz. Ajab. Olq. Kit. Osmon. Laylak. O'ta. Mis. Zo'rg'a. Jazm. Zo'r. Uzr. Ora. Uzoq. Mard. G'o'za. Maydon.

Qadrlil bolalar, bu boshqotirmada qushlarning nomi yashiringan. Namunada berilgani kabi to'ldirib chiqing. O'zakdagi harflar o'zgar-masligi kerak.

		B			
		I			
T	O'	R	G'	A	Y
		Q			
		O			
		Z			
		O			
		N			

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Транспорт ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги **Абдурахмон БАХРАМОВ**ни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, машаққатли ва шарафли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Навоий вилояти Қизилтепа тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори **Абдуҳаким ҚОДИРОВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларига муваффақият, хонадонига доимо хурсандчилик ва файзу барака тилаймиз.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Тошкент шаҳар ИИББ хузуридаги Қўриқлаш бошқармаси взвод сардорининг ёрдамчиси, милиция старшинаси, меҳрибон дадажонимиз **Усан АБДУЛЛАЕВ**ни туғилган кунлари билан табриклаймиз. Кўп йиллар саломат бўлиб, бизнинг бахти-камолимизни кўриб, даврамизни тўлдириб юришларини Яратгандан сўраймиз.

Умр йўлдоши **Очилой, фарзандлари Шарофжон, Шоирахон, Рустамжон, Келдёр, Қимматгул.**

Сирдарё вилояти ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, милиция катта сержанти **Умрзоқ ҒАФФОРОВ**ни туғилган куни билан чин дилдан қутлаймиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида катта ютуқлар тилаб, мартабаси улуг бўлишини Яратгандан сўраймиз.

Оила аъзолари ва ҳамкасблари.

МУҲАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

Кўй. Ҳафтани қарзларни узишдан бошлаганингиз маъқул. Ҳар бир ишни меъёрида бажаришни маслаҳат берамиз. Пайшанба молия ва бошқа масалаларни ҳал этишда қулай кун бўлади. Жума ва дам олиш кунлари қутилмаган омад келиши мумкин. Яқинларингиз билан хушмуомала бўлинг.

Тарози. Бу ҳафтада соғлигингиз ҳақида кўпроқ қайғуришингизга тўғри келади. Фойдали хабарлар эшитасиз, келишувлар қутилмаган натижалар бериши мумкин. Эрак тарозилар кўпдан бери қутилаётган муҳаббат кечинмаларига умид қилсалар бўлади. Дам олиш кунлари янги ташвишларга бой, шу билан бирга ижтимоий ва ижодий алоқалар учун қулай келиши қутиляпти.

Сигир. Ҳафтанинг сиз қутаётгандан оғирроқ бошлангандан асабийлашмасликка ҳаракат қилинг. Чунки пайшанбадан бошлаб юлдузлар омад кулиб боқишдан дарак бераёпти. Қайси бир ишга қўл урманг натижасидан фақат хурсанд бўласиз. Қариндошуруғ, яқинларингизни эслаб кўйиш бурчингиз эканини эслаб ўтамиз.

Чаён. Ҳафта бошида шошқалоқлик қилиб, алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Пайшанбага бориб яқинларингизнинг кўмаги туфайли ишлар юришингиз кетади. Узилган алоқалар тикланиб, имкониятларни ишга солиш вақти етди. Дам олиш кунлари кўнгилдагидек ўтишини истасангиз майда гапларга эътибор берманг.

Эгизаклар. Эринчоқлик ва лоқайдлик ҳафтанинг нуқолай бошланишига сабаб бўлиши мумкин. Чоршанба қизгин иш ва омадларга бой бўлади. Пайшанба савдо ва келишувлар учун энг яхши кундир. Кейинги кунларда ҳаётинг зарур муаммоларни ҳал этиб, вазиятга қараб иш тутишингизга тўғри келади. Атрофдагиларга эътиборли бўлинг.

Ёй. Ҳафта мобайнида ҳар ишда оқилона ҳаракат қилишга тўғри келади. Озгина эътиборсизлик ёки адашиш туфайли катта ташвишлар келиши мумкин. Айниқса, ишқий муносабатларда эҳтиросга берилмаслик керак. Дам олиш кунлари соғлиққа эътибор берган маъқул. Кексаларга нисбатан янада юмшоқ, босиқ бўлиш талаб этилади.

Қисқичбақа. Ҳафта ўрталарига бориб молия билан боғлиқ ишлар юришиб кетиши қутиляпти. Пайшанбада тузилган никоҳ бахтли бўлади. Ижодий ишларда янги қирралар намоён этиш вақти келганини айтмоқчимиз. Дам олиш кунлари тер тукиб қилинган меҳнатнинг меvasидан баҳраманд бўласиз. Саломатликни уйлаш фойдадан холи эмас.

Тоғ эчкиси. Ҳафта бошида ижодий куч-қувватни ўзингиз учун сарфлаганингиз маъқул. Жамoadошлар, раҳбарлар билан муносабатнинг чигаллашувига йўл қўйманг. Сиздан кўп иш талаб этишлари мумкин. Шанба ва яқшанба кунлари муаммолар ўз ечимини топиши эҳтимолдан холи эмас. Ажойиб кишилар билан учрашув қутиляпти.

Арслон. Бошлаган муҳим ишларни охирига етказишни маслаҳат берамиз. Сешанба куни ҳар бир муносабатда, айниқса, молиявий ишларда омадли бўлиши қутиляпти. Пайшанбада эҳтиёткорликка эътибор беришингиз фойдали бўлади. Дам олиш кунлари рухий тетикликка эришмоқчи бўлсангиз ибодат билан машғул бўлинг.

Қовға. Ҳафта одатдагидан ўзгачароқ бошланади. Айниқса, эрак «қовға»лар учун чоршанба оғир кечиши мумкин. Кейин яна омадли, қувончли кунлар бўлади. Бунинг учун сабр ва бардош талаб этилади. Дам олиш кунлари ишга берилиб кетиб, атрофдагиларни ранжитиб қўйишдан эҳтиёт бўлинг. Соғлиқ ҳақида ўйлаш ҳам эздан чиқмасин.

Бошоқ. Ҳафта бошида ижодий сафар, ҳарид, никоҳ учун омадли бўлади. Ишчанлик, тадбиркорликни намоён этишга ҳаракатнинг яхши натижалар бериши қутиляпти. Моддий кўмак олишда эҳтиёт бўлган маъқул. Дам олиш кунлари жамoadошлар, шериклар билан биргаликда амалга оширилган ишлар самарали бўлади.

Балиқ. Ҳафта бошида моддий тушумдан умид қилмасангиз ҳам бўлади. Шу сабаб оилада, яқинларингиз билан жанжаллашишдан эҳтиёт бўлинг. Молиявий кўмак берадиганлар топилади. Энг муҳими, эртанги кунга умид қилинг, ҳафта охирида яна ишлар юришиб кетишини юлдузлар хабар қиляпти.

ДУШАНБА

3

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

фус. 21.35 «Бир жиноят изидан»
22.00 «Аёл эрки».

Ёшлар телеканаллари

17.00 «Давр» ҳафта ичида
17.30 Жаҳон жузрофиеси
18.15 «Янги авлод» студияси:

Тошкент телеканаллари

17.20 Сериал «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 Сериал «Бебилиска пул».

Sport телеканаллари

7.30 «Хабарлар» (Ўзбек тилида)
7.45 «Бардам бўлинг».

30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 Открытие программы

ОРТ

5.00 Новости
5.10 Сериал «Все путешествия команды Кусто»

РТР

3.00 Комедия «Дежавю».

5.05 «Русское лото»
5.45 «Большая перемена».

НТВ

5.25 Фильм «ЦИРК»
7.00 «СЕГОДНЯ»
7.20 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»

ТВ 3

7.30 «Победоносный голос верующего»
8.00 Мультсериал.

ДТВ

8.30 Российские мультфильмы
8.57 Урожайная грядка

КИЕ И КРАСИВЫЕ»
19.30 «Личное время»
20.00 Сериал «НЯНЯ».

TNT

6.00 «Неизвестная планета»
6.40 «НОВАЯ ЖЕРТВА».

СТС

7.00 «НОВЫЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ ЛЕССИ».

7 ТВ

7.00 Спорт-экстрим
7.40 Шоу футбольной Европы.

СЕШАНБА

4

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

Ёшлар телеканаллари

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг».

23.05 «Ҳақиқатни англаш».

Тошкент телеканаллари

17.20 Сериал «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

Sport телеканаллари

7.30 «Хабарлар» (Ўзбек тилида)
7.45 «Бардам бўлинг».

«SPORT» ТЕЛЕКАНАЛИ
19.20 «Болалар спорти».

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 18.00, 21.30 «Телехамкор»

ОРТ

5.00 Новости
5.10 Сериал «Все путешествия команды Кусто»

равли»
13.00 «Пестрая лента».

НТВ

5.15 Фильм «ВОЛГА-ВОЛГА»
7.00 «СЕГОДНЯ»

РТР

2.55 Фильм-сказка «Садко».

0.45 Канал «Евроныос» на русском языке.

НТВ

5.15 Фильм «ВОЛГА-ВОЛГА»
7.00 «СЕГОДНЯ»

ТВ 3

7.30 «Победоносный голос верующего»

ШАЯ ОБЕЗЬЯНА»
22.00 Фильм «ЦУНАМИ».

ДТВ

8.30 Российские мультфильмы
8.57 Урожайная грядка

TNT

6.00, 8.05, 9.00, 10.30, 12.00, 13.30, 15.00, 17.00

16.00 «САША + МАША».

СТС

7.00 «НОВЫЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ ЛЕССИ».

7 ТВ


7.00 Спорт-экстрим
7.40, 13.15 «Футбол Англии».

РТР, душанба

21.55 Комедия "УМРБОД!"

Спиртли ичимликлар савдоси ва истеъ-

моли қонун йўли билан тақиқланиши ичишни яхши қўрадорларни я ш и р и н қовоқхоналарга боришга мажбур қилди. Шундай масканлардан бирида ўғри Рэй



Гибсон ва омадсиз банк хизматчиси Клод Бэнкс танишишади. Улар шароит тақозосига кўра маҳаллий мафия бошлиғига ёқмай қолишгани оқибатида катта кўнгилсизликларга дуч келишади.

Ролларда: Эдди Мерфи, Мартин Лоуренс.

ТВ 3, сешанба

Юртимизнинг деярли барча вилоятларидан ташриф буюрган каратэчилар ўндан ортиқ вазн тоифасида баҳс олиб бордилар. Жаҳон миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган спортчилар иштироки мазкур хотира турнири нуфузини анча оширди. Курашлар мурасасиз ва қизиқарли кечди.

Мусобақаларда Ихтиёр Шаропов, Ёрқин Раҳмонов, Нодир Хўжаев, Лутфия Бойбулатова, Наргиза Тоштемирова сингари спортчилар рақибларидан яққол устун эканликларини яққол намойиш этишди.

Умумжамоа ҳисобида қашқадарёлик каратэчиларга биринчи ўрин насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Тошкент шаҳри ҳамда Наманган вилояти жамоалари сазовор бўлишди.

А. МУРОДОВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

2004 йил Афинада ўтадиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш баҳтига муяссар бўлган спортчиларимиз сони ҳозирча 49 нафарга етди. Олимпиада йўлланмасини берувчи турнирлар давом этмоқда.

Мини-футбол бўйича 6-бор ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси 4-ўринни эгаллади. Афсуски, бу ўрин кузда Хитой Тайпейида ўтадиган Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш учун камлик қилди. Бу йўлланма Эрон терма жамоасига насиб этди.

Футбол бўйича 2006 йилда Германияда ўтадиган Жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари ҳамда Хитой-2004 баҳсларида бизга рақиб бўлган Ироқ терма жамоасининг бош мураббийи, таникли немис мутахассиси Бернд Штанге Германия ташқи ишлар вазирлиги талаби билан Ироқни тарк этишга мажбур бўлди.

Футбол қироллари Пеле ва Марadona шифокорлар кўмагига муҳтож бўлиб қолдилар. Пеленинг чап кўз пардаси сезиларли шикастланган бўлса, Диегонинг юраги панд берди. Бра-

зилиялик футбол қиролининг кўзи операция қилинди ва уйига жавоб берилган бўлса, аргентиналик юлдуз куни кеча кўзини очди ва ҳали ҳам шифокорларнинг қатъий назорати остида даволанмоқда.

Ўта оғир вазн тоифасидаги собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон "темир" мушти ва тишлари билан машҳурлигини яхши биласиз. Энди у яна рингга қайтмоқчи. Бу сафар у оёқларини ҳам ишлатишга... мажбур. Мажбур деганимизки, у К-1 услубида жанг олиб боради. Бу услуб ўз ичига кикбоксинг, каратэ ва таэквандо элементларини мужассамлаштирган. Қизиғи шундаки, унинг биринчи рақиб америкалик футболчи Боб Запп бўлиши мумкин.

22 апрель куни Кипрнинг Лимасол шаҳрида УЕФА ўзининг 50 йиллик юбилейини нишонлади. Ана шу тантаналар жараёнида мухлис ва мутахассислар иштирокидаги сўнги 50 йилдаги энг яхши футболчини аниқлаш бўйича сўров ҳам ўтказилди. Сўров якунларига кўра франциялик Зайниддин Зидан қитъанинг энг яхши футболчиси деб топилди.

Турмуш чорраҳаларида

Кечки овқатдан кейин Сожида эрига чой узатаркан, секин гап бошлади:

– Кунлар исиб кетди. Умиджон ҳалиям қишки туфлида юрибди, кап-катта йигит бўлиб қолди, ўзи индамаяпти-ю, ўртоқларининг олдида уялаётгандир.

– Мен ҳам биламан, маош тегсин, ўзига ёққанини олиб берасан, – деди Раҳимжон чой хўплар экан.

– Маошгача икки ҳафта бор, укангиздан сўраб туринг, ҳадемай ҳовлидаги кўкатлар етилади, сотамиз-у қайтарамиз. Лобарга ҳам қўйлақ олиб берай дегандим, – деди Сожида.

– Ким билади, ҳеч пул сўрамагандим, – деди Раҳимжон.

– Бир-икки ҳафтада қайтараман, десангиз йўқ демасалар керак, баҳонада хабар олиб келасиз, – деди хотини унга далда бериб.

Эртасига кечки пайт Раҳимжон укаси Дилшод-ниқига борди. Эшикни очган келини уни кўриб, сал ортига чекинди-да, истаристамас салом берди.

– Келин, яхши ўтириб-сизларми, Дилшод уйда-ми? – дея ичкарига кирди Раҳимжон.

– Ҳали келганлари йўқ, кечроқ қайтаман дегандилар, – деди Севара.

Раҳимжон ҳовлига кириб ҳашаматли иморат томон кетаётган эди унинг ортидан келаётган Севара шошиб:

– Бу ёққа кира қолинг, чой дамлаб бераман, – дея уни ошхонага бошлади.

Раҳимжон бир чойнак чойни майдалаб ичиб ўтирган эди, дарвоза олдида машина сигнали эшитилди. У кўпдан бери кўришмаган жигаргўшасига пешвоз чиқди. Укаси машинадан тушаркан гўё уни кўрмагандек, ёнидан телефонини олиб қандайдир рақамларни терди-да, ким биландир узоқ гаплашди. Раҳимжон на унинг яқинига боришни, на жойига қайтиб ўтиришни биларди.

Ниҳоят, Дилшод келиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўрашишгач, Раҳимжон энди дардини очмоқчи эди, укаси турмушидан норози бўлиб:

– Бир йилдан бери шу катакда уйни битказолмайман, – деди икки қаватли ҳашамдор иморатга ишора қилиб. – Манави шалдирак арава аллақачон модадан қолган, миниб юришга уяламан.

Раҳимжон дарвозахонада турган “иномарка”ни кўриб, укасига қаради. Укаси шаҳарлик бўлиб кетиб унинг устидан куляптими? Ҳовли ўртасидаги ҳовуз ва ёнидаги айвончага сарфланган маблағ унинг бутун уй-жойи, жиҳозларидан қиммат бўлса керак.

– Тунов куни холамнинг қизи Комила келибди, – давом этди Дилшод. – Болалари касал экан, дорига пули етмабди. Нима мен банкманми, сейфда тахлам-тахлам пули турадиган.

– Ким унга қўшалоқлаб тук-кин дебди, – гапга аралашди

Севара қошини чимириб.

Раҳимжон келинига қарар экан, дилидан аввал ўзинг лоқал битта бола туғиб кўргин, деган фикр ўтди.

– Озроқ ёрдам бервормабсан-да, арвоҳлар шод бўларди, – деди Раҳимжон укасига.

– Э, ака, ҳамма мени пулни супириб оляпти, деб ўйлайди. Бизда ҳам чиқим кўп. Мол етиб келгунча, тиконнинг устида ўтираман, – деди Дилшод ўзини бечорасифат кўрсатиб.

– Ҳаммаёқда текшир-текшир, эшикни кундузи ҳам қулфлаб ўтирамиз, – деди хотини уни қувватлаб.

Раҳимжон укасининг гапларини эшитиб, нима учун келганини ҳам унутти



МОЛ-ДУНЁ ВАСЕВАСАДИ

кўйди. Гурунглашиб, дам оламиз, деб ўйлаган эди. Чехрасидан меҳр ўрнига мол-дунёга хирс ёғилаётган укасининг аҳволига ачиниб кетди. Лекин унга бирор жўяли гап айтолмади. Гапирганда ҳам ловуллаб турган гулханага бир пиёла сув селганчалик бўлмаслигини сезиб, бир сўз демай, ўрнидан турди.

Дилшод укасини кузатиб келиб ичкари хонага кирди. Шкаф ичидаги темир сандиқчага кўкрак чўнтагидаги уч-тўрт тахлам пулни олди-да, солиб қўйди. Кейин қалин дафтарни очиб, нималарнидир ҳисоблай бошлади. Унинг кетидан кириб келган хотини сандиқчадаги пулларни кўздан кечираркан:

– Бугунги тушум ёмон бўлмабди, – деди ялтоқланиб.

– Акам нимага келибди? – сўради у хотинидан.

– Қаёқдан билай, тўғри уйга кириб кетаётганди, ошхонага бошладим. – деди энсаси қотиб Севара. – Пул-мул сўрайди-ми деб тургандим, хайрият кета қолди.

– Сўраганда ҳам бермасдим, – деди Дилшод дафтарни ёпаркан.

– Дилшод ака, кеча бир дугонамда зирак кўрдим, – дея унга сўйқалди Севара.

– Машинани янгилайлик, кейин оларсиз, – деди Дилшод хотинига. – Мол келяпти, саранжомлаб олиш керак.

– Унақа қиммат эмас, икки минг кўкига топса бўларкан, – дея нозланди аёл.

– Машинани гаплашдим, не-

мисларники, мойи артилмаганидан оламиз, – деди Дилшод оғзининг таноби қочиб.

Орадан икки кунлар ўтиб, Раҳимжоннинг ишхонасида йил якуни бўйича мукофот берилди. Сожида қизи билан ўглини олиб, бозорга кетди. Раҳимжон эса Комиланиқига борди. Укасига учрашганини айтиб ўтирмади-да, болаларингга дори-дармон олиб бераркан, дея пул узатди.

– Раҳмат, Раҳимжон ака, – деди аёл. – Катта рўзгорсизлар, сиздан пул оламанми? Куёвингизнинг ишлари юришмай турганди. Болалар баравар касал бўлиб қолишди.

– Кўпдан бери хабар ололмадим, қийналиб қолганингда

У бош ирғади.

– Очиб кўриш керак, машина ҳаракатидан оғир юк борга ўхшайди, – деди секингина.

Аммо машина юкхонасини очишга йигитлар қаршилиқ кўрсатишди.

– Ҳаммаси жойида бўлса нега кўрқасизлар, биз сифатини кўрмоқчимиз, холос, – деди божхона ходими.

ЙПХ ходими ҳақ бўлиб чиқди: юкларнинг учдан бир қисми дори-дармон, қолгани эса ноқонуний олиб келинаётган спиртли ичимлик, озиқ-овқатлар экан.

Ҳозиргина ўзини шер тутиб, гап бермай турган олифтанама йигит дами чиқиб кетган пуфакдай бўлиб қолди. У қўлга туш-

бориб темир сандиқчани кўтариб кўрмоқчи бўлди, кучи етмади. Пулларни қопга жойлаш керак. Йўқ, яхшиси иккита халтага солгани маъқул. Кўтариш ҳам осон, ҳеч ким шубҳаланмайди. У ошхонага чопди. Картошка, пиёз солинган халталарни бўшатди-да, яна иккинчи қаватга кўтарилди. Сандиқдаги пуллар нақ икки халта бўлди. Тақинчоқлар-чи? Уларни елим халтачага солиб олди. Йўқ кўриниб қолади. Яхшиси узун халатини кийса ички чўнтақларига жойлайди. Икки халта пулни кўтариб биринчи қаватга тушди, оғирлигини қаранг, белни синдираман дейди. Инқилаб зинапоягача келди. Бироз дам олиб пастга туша бошлади. Узун халатда юриши қийинлашарди, боз устига зинапояннинг ярмига етганда шиппаги мрамарда сирпаниб, мункиб кетди. Бир қўлидаги халта тушиб қолди, иккинчиси уни ўз томонига оғдириб кетди. Ўзини тўтолмай қоқиб, пастга учиб тушди ва боши билан ҳовуз четидagi мрамарга урилиб, шилк этиб йиқилди...

Божхона машмасини эшитган Дилшод саросимада қолди. Милиция бари бир тагига етади ва уйни

текширади. Наҳотки темир сандиқдаги пуллардан ажралиб қолса? Йўқ, тезда боради-да пулларни олиб, бирон жойга беркилади. Машинасини дарвоза олдида тўхтатиб икки-уч бор сигнал берди. Уни ҳеч ким очмагач, ҳайрон бўлиб эшикка калит солди. Кириб хотинини чақирган эди, овоз бермади. Юрагига бадтар ваҳима тушиб, ҳовли томонга йўналди. Зинапояда халта ағанаб, пуллар сочилган, ҳовуз олдида Севара яна бир халтани ушлаганча бошидан қон оқиб, беҳуш ётарди. Унинг ёнига яқинлашиб кўрқиб кетди ва миясига пулларни олиб гўдон бўлмоқчи экан, деган фикр келди. “Ит вафо, хотин жафо”, деганлари шу бўлса керак-да.

Хотин-ку ўлибди, пулларни саранжомлаш керак. Ҳадемай уйни милиция босади. Иккита халта яна тўлди. Энди уни қаёққа олиб боради. Бошига оғриқ турди, қон босими кўтарилганга ўхшайди, кўз олди хиралашди. Халталарни кўтариб кўчага йўналган эди, эшик тақиллаб қолди. Ана, милиция келди, ҳаммаси тамом. Дилшод холсизланиб ўтириб қолди...

У кўзларини очганда касалхонада эканлигини сезди.

– Ука тузукмисан, кўрkitиб юбординг-ку, – деди Раҳимжон унинг пешонасига қўлини қўйиб. – Иш билан шаҳарга тушгандим. Негадир сени кўргим келди, эшикдан кирсам дарвозахонада ҳушсиз ётибсан. Келиннинг аҳволи оғирроқ дейишяпти.

Акасининг гаплари қулоғига кирмасди. Унга меҳр билан боқиб турган жигаргўшасига қарашга ботинолмай, кўзларини юмиб олди...

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.



“КамАЗ” машинасига юкланган дори-дармонлар чегара масканида тўхтатилди. Божхона ходими ҳужжатларни кўздан кечирар экан, оғзида сақич, қўлида калит билан гердайиб турган йигит менсимай деди:

– Ака, биринчи марта ўтаётганимиз йўқ, ҳужжатлар ҳаммаси жойида.

– Ҳаммаси дори-дармон эканми? – сўради йўл-патруль хизмати инспектори божхона ходимидан.

ди. Кейин уйга сим қоқиб, Севарага бор гапни айтди.

Дилшоднинг гумашталари қўлга тушганини эшитган Севарани бир зумда ваҳима босди. Улар милицияга бу ишнинг тепасида Дилшод турганини айтишса, тамом. Ҳали-замон уйни милиция босади. Вақт ганиматда қўлга илинган буюмларни олиб, бирор жойга беркитиш керак. Йўқса ҳаммаси давлатга ўтиб кетади.

Севара тезда шкаф олдига

Саломатлик сабоқлари

КЎЛ НЕГА ҚАЛТИРАЙДИ?

Кўл қалтираши кўпчилигимизга таниш ҳодиса бўлса керак. Буни табиқатда тремор деб ҳам аташади. Бу фақат жиддий асаб касалликларига чалинган кексаларгагина хос эмас. Баъзан кўли қалтирайдиган кишилар балки яхшилаб даволаниб олишим керакдир, деб ўйлаб қолади. Аммо шифокорлар треморни организмнинг қатор ҳаётӣ вазиятлардаги табиӣ реакцияси деб ҳисоблашади.

Ҳақиқатан ҳам кўллаб асаб касалликларида, хусусан, Паркинсон хасталигида кўл қалтираши асосий аломат саналади. Бундан ташқари энцефалопатия ёки гормонал бузилишлар чоғида ҳам тремор кузатилади. Агар қалтираш бирор-бир жиддий касалликнинг аломати деб билсангиз, албатта, шифокорга мурожаат қилинг. Аммо ваҳимага тушмасдан туриб, обдон ўйлаб кўринг, балки бунинг сабаби оддийгинадир.

Бордию касаллик жиддий бўлса, даволаниш керак. Сабаб фақат совуқсираш бўлганда, бир пиёла қайноқ чой ичиш кифоя – қалтираш ўтади-кетди. Киши оғир юк кўтарганда ҳам, қаттиқ чарчаса ҳам қалтироқ тутиши мумкин. Баъзан ҳатто қаҳва ҳам безовталиққа, треморга олиб келади. Булар вақтинчалик ҳодисалар, тез ўтиб кетади.

Спиртли ичимликларни меъридан ортиқ истеъмол қилувчи-

ларнинг одатда кўллари қалтирайди. Уларнинг юз териси ҳам титраши мумкин. Бу нафақат сурункали пиёнистларда, балки алкоғолдан заҳарланганларда ҳам учрайди.

Табиқатан инжиқ одамлар бўлар-бўлмасга тутақаверишади. Масалан, оддийгина учрашувда, ишга кечиш сабабларини тушунтиришга тўғри келганда улар қаттиқ асабийлашади. Кўзларига ёш олишади, кўллари қалтирайди. Буни табиқат тилида асабий тремор деб аташади. Аста-секин хуруж ўтиб кетади, ҳаммаси ўз жойига тушади.

Бекорга таъсирчан кишиларга бошқалар "Ўзингни бос!" дейишмайди. Агар титраш-қалтираш феъл-атворингиз, темпераментингиз билан боғлиқ бўлса, ҳақиқатан ҳам ўзингизни кўлга олсангиз бўлади. Аммо асаб тизимингиздаги функционал ўзгаришлар бунга сабаб бўлса, даволаниш керак.



АСАБИЙ ТАРАНГЛИКНИ КЕТКАЗИШ БЎЙИЧА КЎЙДАГИ МАШҚНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ.

● Тинч, қулай, иложи бўлса, қоронғироқ жой танланг. Машқ олдидан кенг-мўл кийим кийинг, кийимингиз тор бўлса, сиқиб турган тугмаларини бўшаштиринг, пойафзалингиз ноқулай бўлса ечинг.

● Юмшоқ оромкурсига ўзингизга қулай тарзда ўтиринг. Бутун диққатингизни жисмоний сезгиларингизга қаратинг. Ўзингизни бўш кўйинг. Бошингизни оромкурсининг суянчигига кўйинг. Кўлларингиз оромкурсининг икки ёнидаги қирралари ус-

тида эркин турсин. Бармоқларингизни пастга осилтиринг.

● Қорнингиз билан бирикки дақиқа нафас олинг. Бармоқларингизнинг оғирлашиши ва қизишига эътибор беринг.

● Икки кўлингизнинг бармоқларини ўзаро чалиштиринг. Сўнг шу ҳолда кафтларингизни ташқарига ўгиринг. Чуқур нафас олиб, кўлларингизни чалиштирилган ҳолда бошингиз узра кўтариб, кескин нафас чиқариб, кўлларингизни пастга туширинг.

● Кўлларингизни оромкурсининг ён томонлари устига кўйиб, кафтларингизни бир вақтда қаттиқ мушт ҳолига келтиринг. Йигирма сониядан сўнг муштингизни ёзинг. Машқни яна бир марта такрорланг.

● Бармоқларингизни кенг ёзиб 20 сония туринг, сўнг бўшаштиринг. Машқни яна такрорланг.

● Кўлларингизни пастга осилтиринг. Бармоқларингизни 20 сония мобайнида силкитинг.

Қашқадарёлик муштарий Йўлдош Пармонов бизга йўллаган хатида парапсориаз касаллиги ҳақида маълумот беришимизни сўраган эди. Қуйида мутахассис жавобини ҳавола этаймиз.

Парапсориаз касаллиги аллерго-инфекцион йўллар билан келиб чиқади. У псориаз, темиртки, экзема касалликларига ўхшаб кетади. Тўрт хил кўринишга эга. Гистологик тадқиқотлар васкулитлар (томирлар яллиғланиши) билан яқиндан боғлиқ.

Томчисимон парапсориаз тери аллергик васкулитининг вариантларидан бири саналади, тўқ қизил доғлар кўринишида намоён бўлади. Доғнинг юзаси силлиқ, юпқа тангачалар билан қопланади. Баъзан ҳалқачалардан нуктасимон геморагик

ПАРАПСОРИАЗ

ўчоқлар пайдо бўлади. Тошмалар йўқолгач лейкодермалар қолиши мумкин.

Лихеноид парапсориаз тугунсимон ёки тўрсимон кўринишларда бўлади. Кейинроқ телеангиэктазия, пигментация ва атрофия ривожланади.

Ясмиқсимон Брок парапсориази думалоқ ёки чўзинчоқ тўқ қизил, бир оз кўчаётган ясмиқ кўринишида бўлади. Чимчиланган нукталарга қон қуйилиши мум-

кин. Элементлар ўзаро қўшилиб тўрсимон шакллари ҳосил қилади.

Ўткир вариолиформли Габерман-Мухпарапсориази терининг аллергик васкулитлари сирасига киради. Асосан ёшлар касаллигининг бу турига чалинишади. Унинг қизғиш доғлари тез тарқалади. Гемморгик ва некротик компонентлар ҳам учраши мумкин. Хасталик бир неча ҳафтадан бир ойгача давом этади.

Касаллик А, В₁, В₆, В₁₂, С, Е дармондорилари, рутин, никотин кислотаси, ангиопротекторлар (компламин, трентал), антибиотиклар, кортикостероидлар ёрдамида даволанади. Ўткир парапсориазни даволашда кортикостероидлар билан бирга безгакка қарши воситалар кўлланилади, териға сурилувчи стероид малҳамлардан фойдаланилади.


Абдурахмон АБДУҚОДИРОВ,
ИИВ Тиббиёт бошқармаси
Бош дерматовенерологи,
ички хизмат капитани.

ҲАЛДОРИ ЎРНИГА НИНА

Британиялик тадқиқотчилар бош оғриги, айниқса, сурункали мигренни даволашда нина санчиш ҳалдори ичишдан кўра яхшироқ самара беришини аниқладилар. Олимлар тажриба иштирокчиларини икки гуруҳга бўлишди. Баъзилар анъанавий усулда даволандилар, бошқалар нина (акупунктура) ёрдамида муолажа қилинди. Натижаларга кўра биринчи гуруҳдагиларнинг 16 фоизи, иккинчи гуруҳдаги беморларнинг эса 43 фоизи шифо топди.

КАРАМНИНГ КАРОМАТИ

Карам таркибида саратон касаллигига қаршилик кўрсатувчи изотиоцианат моддаси бор экан. Хитойда 18 минг киши устида тадқиқот ўтказилганда, организмда бу модда мавжуд бўлган одамларнинг саратонга чалиниш эҳтимоли 36 фоизга камайиши аниқланди.



Шанхайликлар кўп чекишса ҳам европаликларга қараганда ўпка саратони хасталигига камроқ чалинишининг сабаби энди ойдинлашди. Кўп карам истеъмол қилишлари уларнинг жонига оро кирар экан.

ЭРКАК ВА... ЮРАК!

Маълум бўлишича, 25-45 ёш оралигида инфарктга чалинган эркекларнинг бошига бу дард кўпинча яқшанба ёки байрам куни тушар экан. Сабаби, ташвишлар, зўриқишларга тўла меҳнат ҳафтасидан кейин улар бу пайда ўз билганларича дам олишга интилишади. Яъни, спорт залларига боришади, меъридан ортиқ еб-ичишади. Оқибатда юрак дош беролмай қолади.

Ёши 55 дан ошган эркекларнинг аксарияти душанба куни инфарктга чалинади. Сабаби, узоқ йиллик узлуксиз иш фаолиятдан кейин улар қаттиқ чарчашади. Янги ҳафта бошида: "Уфф! Яна ўша асаббузар ишга бошим керакми?" деб юраклари сиқилади.

Шунинг учун аёллар эрларига ёшларига қараб ғамхўрлик, муомала қилишлари керак.

ГАЗЛИ СУВНИНГ ЗИЁНИ

Болалар иссиқ кунларда севиб ичадиган газли сувларнинг соғлиққа зиёни ҳам бор. Британиялик мутахассисларнинг аниқлашича, лимонад ичишни хуш кўрадиган болалар бошқа тенгдошларига қараганда тиш емирилиши (кариес) ва бошқа касалликларга тезроқ чалинар экан. Сабаби, бундай ичимликларнинг аксарияти таркибида турли кислоталар бўлиб, улар тишнинг эмал қобиғига салбий таъсир қилади.



АҚЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГ, КАМ ЕГИН

Озгидан келган кексалар семиз тенгдошларига қараганда фаолроқ, ҳаракатчанроқ, ҳаётга меҳр-муҳаббати юқорироқ бўларкан. Америкалик тадқиқотчилар 55-75 ёш оралигидаги 36 нафар соғлом қария устида тажриба ўтказишди. Улар узоқ пайт тош кўтаришди. Сўнг аҳволларини ёзма равишда баён этишди. Натижалар соғлом турмуш тарзи кечирадиган, бошқалардан ҳуда-беҳудага хафа бўлавермайдиган, семизликка мойил бўлмаган кишилар ўзини яхши ҳис қилаётганини кўрсатди.

Юқоридаги тажрибалар озгиданроқ кексалар, шунингдек, тезроқ ва жонлироқ фикрлашини ҳам аниқлади. Тадқиқотларда иштирок этган олимлар кексаларга кўпроқ ҳаракат қилиш ва семириб кетишдан сақланишни маслаҳат беришди.

Муносабат

“Жону жигарим, ойчеҳра синглим Марямбегим! Сен бўғзингдаги нолангни “Менга айтадиган гапингиз йўқми?” деб савол билан, алам билан тугатдинг, балки тугатмадинг, бошладинг. Адолат-у халқнинг қаршисида сўз айтмоқ – савол-жавоб қилмоқ кўп оғир юк. Шу кунни митти қушга айланиб бошимиз узра чиркираб, учиб-қўниб қилган нолангни эшитиб, ёзиб шундай хулосага келдимки, сени гафлат ўлдирди, сен гафлатнинг қурбони, ёвуз кимсаларнинг заволига юз тутдинг...”

2. ГАФЛАТ

Хар қандай воқеа-ҳодисанинг сабаб ва оқибати бўлгани каби ёвуз тўданинг қора қилмишидан сабаб, маъни излаб, тополмайман. Уларни билган, таниган яқинлари, қишлоқдошларининг сўзларига ва ҳужжатларга таяниб айтганда, машум воқеа содир бўлган уй эгаси пенсионер Неъмат Раззоқов 1945 йилда туғилган. Портлашда ҳалок бўлган ёлғиз ўғли – “Ваҳобий” диний-экстремистик оқими аъзоси Нурмат Раззоқов 1979 йилда туғилган, олий маълумотли. Ота-ўғилнинг биргаликда 80 сотих томарқаси бор, бу дегани салкам бир гектарли ҳовли-жой. Олма, гилос каби турли дарахлар чамандек гуллаб, мева тугиб ётибди. Ён атрофда тераклар бўй чўзган. Иссиқхонада помидор ҳосилга кирган. Ҳовли атрофи девору иморат билан ўралиб, учта дарвоза ўрнатилган. Чеккароқда узун гараж – устахона, “Москвич”нинг эҳтиёт қисмлари-ю ва айтишларича, юртимизга офат келтириш учун тайёрланган қўлбола портловчи мосламалар сақланган жой...

Бировнинг мол-мулки, яшаш шароити ҳақида гапириш балки ҳижолатлидир. Лекин начора, ҳақиқатга тик боқилишнинг ўзи бўладими? Бундай пайтда ўзгаларга рост сўз айтмоқ – борни борича, йўқни йўғича етказмоқ учун жуда кўп нарсалар ҳақида билишнинг, ўйлашнинг лозим. Шу юртнинг оддий бир фарзанди, журналист сифатида ўз шахсий кузатув ва хулосаларимга суяниб айтганда, улар етар-етмаслик, ночор турмушнинг эмас, диний оқим деб аталмиш ялтироқ, асоссиз даъватларга кўр-кўрона эргашиб, ўзгалар иродасининг қули, ижрочиси бўлишдек таъсирнинг гирдобига тушибди. Уларнинг илдизига лоқайдлик, гафлат, туман раҳбарларининг ўз-ўзидан ортмай, кундалик воқеаларга беларво, менсимай қарашлари сув куйиб турган. Йўқса, улар бир жойда – бир туманда бу қадар ин қуролмас, ўрнашолмас эди.

2004 йил 28 март кунни содир бўлган портлаш натижасида вафот этган диний-экстремистик оқим аъзоларининг етти нафари Ромитан туманида туғилган, таълим олган, яшаганлигини (қолган икки аъзодан бири Шофиркон туманида, бири Бухоро шаҳрида туғилган) ҳисобга олсак, ўз-ўзидан савол туғилади: улар яшаган маҳалла, қишлоқ ва туманда раҳбарлар борми? Бор бўлса, улар қайққа қарашди? Элдан ажралиб, яшириниб яшашга уринган бу тўққиз кимсага нима етишмас эди? Улар ўз талаб-истагини, мақсадини кимга, қачон айтиб мурожаат этишди? Кимлар уларга йўл кўрсатиб ҳомийлик қилди, бошини силади? Хуллас, саволларки, охири йўқ.

Энди кимдир, қачондир эмас, бугун (мен, сен, у – ҳаммамиз!) барига жавоб топади-

(Давоми. Бошланғичи ўтган сонда)

гунгидек оғир вазиятларда раиснинг эл билан бирга бўлишига нима етсин. 28 мартда содир бўлган Ромитан воқеасидан сўнг вилоятнинг кўплаб қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида зудлик билан аниқ тадбирлар белгиланганидан ва тезкорлик билан ишга киришилганидан хабардор эдик.

Ромитанда эса кутганимизнинг тескарасига дуч келдик.

“Қаҳрамон” маҳалласида юз берган воқеа бутун мамлакат-

Улар билан борди-келдимиз сустроқ эди...

– Нега, бунга сабаб нима?

– Улар ўзини бошқача тутарди, кўпчиликка қўшилмасди. Ўша кунни даҳшатли портлашдан кўриб, қотиб қолдик. Ҳаммамиз ҳовлида эдик. Аввалига газ портлади деб ўйладик. Шу қадар кучли портладики, буюмлар узоқ вақт осмонда учиб юрди. Уларга ачинмайман, гуноҳсиз Марямбегимга қуяман. Бешиги кучли зарбдан кўтари-

ҚУШ БЎЛИБ УЧТАН КУНИМ...



либ, уч уй нарига бориб тушган. Чақалоқ худди ухлаб қолган каби ётарди, фақат жонсиз, кўзлари юмуқ. Кўзим тушиши билан йиғлаб юбордим. Уни шу куйга солганларни қаргадим. Бола бегуноҳ эди, Марямбегим гуноҳсиз эди, шунинг учун Худо уни асради, бусбугун даргоҳига олди. Уйнинг куйгур (куйганга куйдику-я!) қузгунларнинг башарасига қараб бўлмас, таниб бўлмас эди...

– Қирқ етти йил хўжаликда трактор ҳайдадим, меҳнат қилдим, эл билан бирга бўлдим, – дея гапга қўшилди қишлоқ оқсоқоли Барно Жўраев, – бироқ бундай балога биринчи марта дуч келиб турибмиз. Биз Нурматнинг ўзини туттиши, ниқобли одоибга алданибмиз. У жуда мулойим кўринарди. Доим кўли кўксиди, ичкилик тортилган дастурхондан узоқ, тўй-маъракаларга чиқмас эди. Фарзандларимизга уни намуна қилиб кўрсатардик, ундан ўрнак олинлар деб даъват этардик. Одам олмаси ичида деб шунга айтишаркан-да!

ган, жавоб берадиган вақт етди. Шу кунгача мустақилликни омонат билиб, унга хиёнат қилганлар кўп бўлди. Шу кунгача мустақилликнинг нонига хиёнат аралаштириб, сотқинликка бўктуриб еганлар кўп бўлди. Энди кунинг учун жавоб берадиган кун келди. Энди гафлатдан уйғониб, бефарқликдан кечиб, хотиржам кунларимизнинг қадрига етиб, эрк-у озодлигимиз учун курашишимиз, мустақил Ўзбекистонимизни кўз қорачигидек асрашимиз зарур! Булар баландпарвоз сўз эмас, ҳар биримизнинг бугунимиз, келажакимиз унадиган, эртамиз обод бўладиган замин, таянч, қалқондир.

... Ўн иккинчи апрель кунни “Қаҳрамон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳмон Расуловни сўроқлаб борганимизда юз берган воқеа тафсилоти ҳақида сўраб, мамлакатимизга хиёнат, ёвузлик етаклаб келган сотқин фарзандларга нисбатан муносабатини билмоқчи эдим. Маҳаллада яшайдиган ҳар бир фуқаро ҳақида яхши биладиган, маҳалла учун қайғуриб, ҳар яхши-ёмон кунга ўзини масъул биладиган раисдан бошқа яна ким бор? Худуднинг профилактика инспектори, маҳалла посбони каби таянчлари ҳам борки, улар билан биргаликда, ҳамкорликда ишлаш кўплаб муаммоларни ечишда кўл келади. Шунинг учунми бошига ташвиш тушса, оиласида муҳтожлик сезишса, ё бир келишмовчилик пайдо бўлса, маҳаллага мурожаат этишади. “Маҳалла ўз уйинг” деб шунинг учун айтади-да.

Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деганлари рост, шекилли, излаб борганимиз – маҳалла раиси жойида йўқ экан. Барча учун яққа ўзи ишлаб, ёзиб-чишиб ўтирган қотибнинг борлигига шукр қилдик. Балки хизмат хонасида ўтириш билан бирор иш чиқмас, ёнига маҳалла посбони, профилактика инспекторини олиб, мактабда ёки қишлоқларда уйма-уй юриб, тадбирлар ўтказатгандир? Бу-



билан нима иши бор?

Албатта бундай дамда виждони уйғоқ ҳар бир киши жим турулмайди. Ёвуз кимсаларга нисбатан, қаршимиздаги вайрона уй, бевақт нобуд бўлганлар тақдирига ачиниб, уларга бўлган нафратини яширолмайди. Кўп ўтмай кўни-кўшни, қишлоқнинг ёши улғу кишилари билан юзлашдик. Уларнинг айтмоқчи бўлган гаплари кўп экан.

– Портлаш содир бўлган уйга келин бўлиб тушганман, – дея сўз бошлади Самия Расулова. – Кейинчалик эрим иккимиз ишлаб, уй-жой қилиб, мана шу ҳовлига кўчганмиз. Хўжайиним Нор Раззоқов “Алтайтеххизмат”да ишлайди. Уларга (Марямбегимнинг ота-онаси) ҳам кўшни, ҳам яқин қариндошимиз.

Гафлатда қолдик. Кейинчалик билсак, у отасини ҳам ўз йўлига ундаган, ишонтирган экан. Сўнгги пайтларда тенгдошимиз Неъмат Раззоқов бизга ақл ўргатиб, ўзича насиҳат қилиб “Сизлар динсиз, тўйларга борасиз, юзи очик аёлларга кўзингиз тушади, гуноҳ бу!” деб танбеҳ берувчи эди? Сизга яқинда бўлиб ўтган бир воқеани айтмай, ўзингиз бу оиланинг кимлигини билиб олаверасиз. Наврўзни нишонламоқчи бўлиб, кўп қатори ота-бола Раззоқовлар оиласини ҳам тақлиф

қилдик. Улар рад этишди, Наврўз байрам эмас, деб элга қўшилишмади. Саксон бир хонадон йиғилиб, янги кунни, баҳорни кутдик, байрам қилдик. Ёшу кекса топганини дастурхонга тортиб, бир-биримизга яхши тилаклар билдирдик, юртимизга тинчлик тиладик. Мана, сўзларимга Жўра бобо гувоҳ, бу киши қишлоқнинг каттаси...

– Кўр эканмиз, қўйганимизда илон асрабмиз, ҳаммамиз гафлатда қолдик, болам, – кўпни кўрган саксон ёшли Жўрахўжа Аҳроров астойдил куюнди. – Уларнинг ниятини сезмай қолдик, бир жойда яшаб кимлигини таниёлмадик, юзи бошқа-ю, ичи бошқа одамдан ҳар нима кутса бўларкан. Юртга, халққа душманлик қилиш кўп оғир гуноҳ. Хайриятки, қузгунлар ўз уйида ошкор бўлди, ниятига етолмади. Бухорони Худо асрадим, ё авлиёлар қўлладим, йўқса кўп азият чекардик. Барибир азият чекаямиз, гўдак Марямбегимнинг хуни, бегуноҳ бандаларнинг уволи тутайди, ҳеч ким кечирмайди уларни...

Бундай кўнгли очик, самимий ҳамқишлоқлар-у хотиржамликнинг қадрига етмай, уларга кулфат келтирган кимсаларни ким, нима деб аташга ҳам ожизсан киши. Улар-ку заволга юз тутди, кимлиги, қора ниятлари ошкор бўлди. Аммо бугун, эртага-чи? Эртанинг тинчлиги, Оллоҳ берган умрни инсонга ҳос ақл ва аҳиллик билан хотиржам ўтказишга кафолат борми?

Бор албатта. Кўп нарса, аввало, ўзимизга, маҳалла-ю қишлоқ, шаҳар-у туманга бош бўлиб турган, элнинг оғирини энгил қилиш, хотиржамлигини таъминлашга масъул раҳбарларга боғлиқки, бундай жавобгарликдан ҳеч ким ўзини четга ололмайди. Вилоятнинг Ромитан, Шофиркон ва бошқа туманларида барқарорликни таъминлаш, мавжуд иқтисодий-ижтимоий ва маънавий муҳитни ўрганиши, таҳлил қилиш, хулосалар чиқаришга вақт етди. Бундан буёғига лоқайдликка, масъулиятдан чекиниб, уни ўзгалар зиммасига юк-лаш, юзакилик ва юзга ниқоб тортишга йўл йўқ. Одамлар тақдирига беписандлик, ўзгалар манфаатини унутиш, зиммасига олган ўта масъул юк – мансабни инъом, абадий деб билганлар гафлатдан уйғониб, ўз манфаатларидан биров бўлсада тийилиб, эл ташвишига яқинлашмас хотиржамликка эришиш қийин кечади, ислохотлар қозғоғда қолиб кетаверади. Барча жабҳаларда бошланган ислохотларнинг биринчи шартини биздан, ҳаммадан талаб қилинадигани халқ билан бирга бўлиш ва яна юртга, мустақилликка садоқат – Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, маънавий хушёрлик!


Маънавий хушёрликни эса ким қандай тушунади? Бу ҳақда кейин...

Ражаббой РАУПОВ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Суратларда: портлаш нафақат ёвуз тўдани, балки ҳовлидаги иссиқхона ва мева дарахларини ҳам яқсон қилди; бешик парчаларини йиғайтганимизда милиция катта лейтенанти (чапдан иккинчи) Мадад Ҳотамов вайроналар остидан унутилмас бир ёдгорлик – Марямбегимнинг бешиқбоғини топиб чиқди.

Муаллиф олган суратлар.

Навий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция подполковниги Рашид Турсунов ва Зарафшон шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Рустам Турсуновга волидаи муҳтарамалари
Флора ТУРСУНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадilar.



Бугуннинг боласи

Жиноят қидирув хизмати воқеалари

РАШК ПАНД БЕРДИ

Нукуслик Ю. Салим Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирида таҳсил оларди. Яхши кўрган қизига бир оғиз сўз айтган дўстига рашки келиб, пичоқлаб қўйиб, қочиб кетади. Суриштирув, қидирувдан кейин унинг Чирчиқ шаҳрида яшаб юрганни билиб қолдик. Оролбўйи минтақасидан келган ҳамюртлар орасидан уни топиш осон бўлмади. У аллақачон исмини Байрамбой деб ўзгартириб олган экан. Бизда унинг ўн олти ёшда тушган сурати бор. Йигит эса йигирма учдан ошган. Турган гап кўриниши анча ўзгарган бўлиши қерак. Унинг рашк туфайли жиноятга қўл ургани кўпчиликка маълум. Шунинг учун яхши кўрган қизининг суратини топиш қўл келмасмикан деган тахминни ўйладим.

Яна бир бор Чирчиққа борганимда Байрамбой ўзини сурхондорлик деб таништирди. Мен бир қизни излаб юрганни айтдим. Нукус шаҳридан эди, деганимда қизиқиб қолди. Кейин унга қизнинг суратини кўрсатдим. Ранги ўчиб, кўзини катта-катта очиб, менга қаради. Мен ҳеч нарса билмагандай:

— Шу қизни топишга ёрдам берсанг яхшигина совға бор, — дедим.

У ҳеч нарса демай, қўлимдаги суратга ёпишди.

— Сен қаердан танийсан бу қизни, — деди ўшқириб.

— Укамни шу қизга уйлантирмоқчиман, — дедим қулиб.

— У меники, суратни қаердан олдинг, — деди бўғилиб.

Нарироқда бизни кузатиб турган шерикларим тезда келиб, йигитнинг қўлига кишан солишди.

М. ЖУМАТОВ,
милиция майори.

Назм

ЭЗГУЛИК ИСТАЙМАН

“Бошинг тошдан бўлсин”, деганди онам,
Ёмонлар қаҳрини ҳис қилган чоғи.
Тошдан-да оғирроқ бўлмаса одам,
Ердан узиларкан унинг оёғи.

Эзгулик, оқибат истайман фақат,
Ёмонлар бўлмаса дейман дунёда.
Қалбларни чулғаса Меҳр, Муҳаббат,
Яхшилар бундан-да бўлса зиёда.

Кетармиз дунёдан бир куни, ахир,
Кетгунча яхшилик қилайлик дўстлар.
Меҳр кўрсатишни билмасак, охир.
Ёмонликдан ўзни тияйлик, дўстлар!

Бекмурод УСМОН.

Сабок

Фазилат бутун гўзал ахлоқнинг инсондаги мажмуидир. Фазилат шафқатли бир йўлдошдирки, шу йўлдош билан бирга бўлган одамнинг ёнидан бир дақиқа ҳам ажралмайди, душманларга қарши ундан ҳам қувватли дўст ва ёрдамчи бўлмайди.

Бир донишманд инсоний фазилатни ўн уч қисмга ажратган:

1. Сукут — ўзинга ва бошқаларга фойда етказадиган сўзларни сўзла, бўлмаса сукут қил.

2. Интизом — ҳар ишга бир вақт, ҳар нарсага бир ўрин тайин қил, тартибли, интизомли бўл.

3. Риёзат — керак бўлганча еб-ичиб, нафсингдан голиб бўлишга гайрат қил.

4. Сабот — қўлингдан кела олишига кўзинг етган ишга кириш, бошлаган ишингни тамом қилишга бел боғла.

5. Идора — қўлингга кирган пулни ўзинга, оиланга ва бошқаларга фойда-

си тегадиган ерларга сарф қил, яхши идора қил, исрофгарчиликдан сақлан.

6. Саъй — энг буюк хазиналарнинг калиди дақиқалар эканини англа, вақтингни бекорга ўтказма, саъй-ғайрат қил.

7. Тўғрилиқ — ҳар ишингда, сўзингда тўғри бўл,

чида, сабрсизлик қилма, оғирликларни йўқотиш учун гайрат қил.

11. Ифбат — номусингни ҳаётингдан ортиқ ва муқаддас бил. Уни доим муҳофаза қилишга, кўриқлашга гайрат қил.

12. Эътидол — ҳар ишда ўртача йўл тутишга ҳаракат қил, “ишларнинг хайрлиси ўртача бўлган ишдир” деган ҳикматли сўзни унутма.

13. Тавозеъ — ўз изат-нафсингни йўқотма, тубанликни ихтиёр қилма. Тавозели, юмшоқ кўнглили

бўл, лекин жойида ишлат. Ширин сўзли, очик юзли, хушмуомалали бўл.

8. Ҳаққоният — инсоф ва адолат билан иш қил, ҳақликни ноҳақлик билан аралаштирма.

9. Поклик — қўлингдан бўлган ҳар нарсанинг пок, тоза бўлишига диққат қил, ифлослик, чиркинликдан сақлан.

10. Сабр — мабодо бошингга оғирликлар тушса,

Инсоннинг ҳаёт муддатида эришадиган завқ ва истироҳати ҳамда ўзининг ҳамжинларидан кўрадиган ҳурмати ва риоятлари юқорида кўрсатилган насиҳатларни қабул этиб, фазилат эгаси бўлиш йўлида собит бориши орқасида топилади.

Дилобар АШУРОВА
тайёрлади.

ФАЗИЛАТ НИМА?

КРОССЧАЙНВОРД

Бўйига: 2. Кимёвий тола асоси бўлган модда. 3. Бинокорлик ашёси. 4. Спорт тури. 7. Душман. 8. Айлана сирти. 12. Дераза тепасидаги токча. 13. Исботсиз ҳақиқат. 16. Камёб жонивор.

Энига: 6. Авторалли голиби, немис спортчиси. 8. Зиравор модда. 9. Тўғри ва текис йўл. 10. Шовқин... 11. Спорт. 12. Сочма ўқ ашёси. 14. Туркман шоири. 15. Чаққонлик ва кучлилик машқи спортчиси.

Ёйлар бўйича: 1. Ўрта денгизнинг шарқий соҳилидаги пойтахт. 5. Ўқув ашёси. 17. Қовун нави. 18. Назмий асар тури.

Айланма катаклар бўйига “занжир” холида: 19. Араб алифбоси ҳарфи. 20.

Хорижий валюта. 21. Қурилма қисми. 22. Дорбоз мосламаси. 23. Дурадгорлик маҳсулоти. 24. Қадимда қўлланилган оғирлик ўлчови. 25. Фойда, манфаат. 26. Ў. Ҳошимовнинг “Инсон садоқати” асари қахрамони. 27. Фармойиш. 28. Кўмир ҳафзаси. 29. Мусиқа жанри. 30. Маҳсус жиҳозланган хона. 31. Жанубий Америкадаги тоғлик. 32. Чарх қисми. 33. Фасл. 34. Заргарликда ишлатиладиган маъдан. 35. Исм. 36. Европа давлати пойтахти. 37. Дарахт. 38. Олам, атроф муҳит. 39. Парранда. 40. Ичимлик. 41. Узум тури. 42. Елим ашёси, сут таркибидаги оқсил.


Ф. ОРИПОВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 1. Ирода. 5. Меш. 6. Сур. 10. Баливар. 12. “Санам”. 13. Ровно. 15. Харита. 17. Одесса. 19. Ниқоб. 22. Акита. 24. Варахша. 26. Ари. 27. Ода. 29. Қанор.

Бўйига: 1. Ишқом. 2. Орбита. 3. Аскар. 8. Ява. 9. Ген. 10. Бакиров. 11. Розетка. 12. Сухан. 14. Осака. 18. Клапан. 20. Ион. 21. Балиқ. 22. Ашф. 23. Том.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 4. Ҳокимият. 7. Логарифм. 16. Амазонка. 25. “Ҳандалак”. 28. Кўргазма.



**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV**

Nashr
uchun mas'ul
**Erkin
SATTOROV**

Mas'ul kotib
**Rahmatilla
BERDIYEV**

Navbatchi
**Qobiljon
SHOKIROV**

Sahifalovchi
**Zokir
BOLTAYEV**

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari 139-75-69.
Kotibiyat 139-73-88.
muxbirlar bo'limi
139-77-23, 59-27-15.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT
AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000183. Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida. 52643 nusxada chop etildi.

● Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart
● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.
● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta taftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqti — 20.00.
Bosishga topshirildi — 20.00.

Toshkent matbaa kombinatida chop etildi.

Korxonada manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Ⓜ — Internet va xorijiy matbuot vositalarini asosida tayyorlandi.